

## ШАРТНОМА №2/2022

“20” ноябрь 2022 йил.

Когон тумани

Вилоятлараро “Ўнқирғоқ” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ф.Ф.Давронов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи) Низом асосида ишюритиб бир томондан ва “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети (“ТИҚХММИ” МТУ) ректори Б.С.Мирзаев (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб номланувчи) иккинчи томондан Низом асосида иш юритиб ушбу шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Буюртмачи» «Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзусида тадқиқотлар олиб бориш бўйича топшириқ беради, “Бажарувчи” топшириқни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома бўйича тадқиқот иши натижаларини топшириш вақти 2022 йил 20 декабр.

1.3. Шартнома асосий босқичларининг таркиби ва бажарилиш вақти шартномани бажаришнинг тақвимий режасига асосан белгиланади.

1.4. Топшириқни бажариш бўйича техник ҳисоботни қабул қилиш ва баҳолаш шартнома техник-иқтисодий асосномаси бандларига мувофиқ амалга оширилади.

1.5. Техник ишланмадан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги Бош бошқармасининг фаолияти ва объектларида фойдаланилади.

### 2. ШАРТНОМА ИШИНING БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган техник топшириқ учун “Буюртмачи” 1-иловадаги шартнома қиймати тўғрисидаги келишувига мувофиқ “Бажарувчи” ҳисобига 79 000000 (етмиш тўққизмиллион) сўм ўтказилади.

2.2. Ҳақ тўлаш “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” келишувига мувофиқ бажарилган иш учун босқичма-босқич амалга оширилади.

2.3. Шартнома имзолангандан кейин “Бажарувчи” ўз мажбуриятларини бажаришга киришиши учун “Буюртмачи” йиллик шартнома қийматининг 30% ига тенг маблағни бўнак сифатида “Бажарувчи” ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.4. “Бажарувчи”нинг ҳисоб-фактуралари “Буюртмачи” томонидан қонунчиликда белгиланган тартиб асосида тўланади.

### 3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартнома иши бажарилишининг алоҳида босқичларида бажарилган ишнинг натижалари тақвимий режага мувофиқ тарзда қисқача ахборот-ҳисобот кўринишида тақдим қилинади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб фактураси билан хужжатлаштирилади.

3.2. Тадқиқот иши тўлиқ бажарилгандан кейин “Бажарувчи” “Буюртмачи” га бажарилган ишлар натижалари бўйича якуний тўлиқ ҳисобот тақдим этади.

3.3. Тадқиқот иши муддатидан олдин бажарилган тақдирда “Буюртмачи” уни муддатидан олдин қабул қилиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда ҳақ тўлайди.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” амалдаги қонунлар доирасида жавобгар бўладилар.



4.2. Шартнома иши бажарилиши жараёнида ишнинг бажарилиши учун таъсир этадиган форс-мажор (табiiй офатлар ва бошқа) ҳолатлар юзага келганлиги туфайли мажбуриятлар бажарилмай қолса, бажарилмаган мажбуриятлар учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” жавобгар бўлмайдилар.

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Шартнома доирасида яратилган техник ишланмага томонлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўладилар ва унга тенг ҳуқуқли эгаллик қиладилар.

5.2. Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бошқа қўшимча шартлар ҳам қўлланилиши мумкин.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

6.1. Ушбу шартноманиннг амал қилиш муддати 2022 йил «20» июндан 2022 йил «31» декабргача белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар учун тузилган шартномалар Ғазначилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

6.2. Томонларнинг манзиллари ва ҳисоб рақамлари:

### “БУЮРТМАЧИ”

Вилоятлараро “Ўнқирғок”  
коллектори тизимидан фойдаланиш  
бошқармаси

Манзил: Бухоро вилояти Когон  
тумани, Туткунда ҚФЙ  
Тел/Факс 365228-77-26  
Ш.Х/Р. (Бюджет асосий х/р):  
100010860062197042402170005  
ИНН: 205315413  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги Ғазначилиги  
Х/Р: 23402000300100001010  
ОКОНХ: 01613  
МФО: 00014

Банк номи: Тошкент ш, Марказий  
банкнинг ҳисоб китоб-касса маркази бош  
бошқармаси ИНН 201122919  
Вилоятлараро “Ўнқирғок”  
коллектори тизимидан фойдаланиш  
бошқармаси бошлиғи  
Ф.Ф. Давронов

25.07.2003 В/Н 142660.

### “БАЖАРУВЧИ”

“Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти” Миллий  
тадқиқот университети (“ТИҚХММИ”  
МТУ)

Манзил: 100000 Тошкент ш.,  
Қори-Ниёзий 39-уй  
Тел./факс: (71)237-54-79, (71) 237-19-61  
л/с 400110860262697094100079002  
ИНН 200541002  
ОКОНХ 92110  
ОПЕРУ Казначейство Мин Фин. РУз  
Каз./сч. 23402000300100001010  
МБ ББ ХККМ Тошкент ш.  
МФО 00014 ИНН 201122919

“ТИҚХММИ” МТУ ректори  
Б.Мирзаев



## Техник ишланманинг шартнома нархи бўйича келишув

### БАЁННОМАСИ

“Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги 2022 йил «20»июнда тузилган 2/2022-сонли шартнома бўйича “Буюртмачи” номидан Вилоятлараро “Ўнқирғок” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ф.Ф.Давронов ва бажарувчи номидан “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети номидан ректор Б.С.Мирзаев тасдиқлаймизки, тадқиқот ишларини бажариш бўйича шартнома нархини 79 000000 (етмиш тўққизмиллион) сўм миқдорида белгилашга келишиб олинди.

Ушбу баённома буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб тўловлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### “БУЮРТМАЧИ”

Вилоятлараро “Ўнқирғок” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ф.Ф.Давронов  
“ ” “ ”  
2022йил



#### “БАЖАРУВЧИ”

“ТИКХММИ” МТҲ ректори Б.Мирзаев  
“ ” “ ”  
2022йил





“ТАСДИКЛАЙМАН”  
 Вилоятлараро “Ўнқирғок”  
 коллектори тизимидан фойдаланиш  
 бошқармаси  
 бошлиғи  
 Ф.Ф.Давронов  
 2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”  
 “ТИҚХММИ” МТУ илмий ишлар  
 ва инновациялар бўйича проректори  
 Т.З.Султанов  
 2022 йил

**“Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовурсувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусида тадқиқот иши олиб боришни мақсадга мувофиқлигининг**

### ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ АСОСНОМАСИ

**1. Мавзунинг долзарблиги:** Сўнгги йилларда республикамызда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу технологияларни жорий қилишни Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган майдонлар йилдан йилга ортиб бормоқда.

Республикамыз қишлоқ хўжалигини юқори босқичга кўтаришда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, экинларни парваришланишнинг илмий асосланган, ресурстежамкор, такомиллашган агротехнологияларини жорий этиш, кам маблағ сарфлаб, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бугунги кунда ер юзида аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига сув ресурсларига бўлган талабнинг ортиши ва шу билан бирга дарё сувларининг йилдан - йилга камайиши кузатилмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, янги сув манбаларини излаб топиш олдимизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бухоро вилоятининг суғориладиган майдонларига сарфланадиган ўртача йиллик (4,2-4,6 млрд. м<sup>3</sup>) сув ресурсларининг қарийб 50 % га яқини, яъни 1,9-2,2 млрд. м<sup>3</sup> и коллектор-зовурлар орқали суғориладиган ерлардан чиқариб юборилмоқда. Булар асосан суғориш тармоқларидан фильтрация, шўр ювиш ва вегетация даврида суғоришга сарфланадиган сув ресурсларининг инфильтрацияси ҳисобига шаклландиган коллектор-зовур сувларини ташкил этади. Ушбу коллектор-зовур сувлари маълум даражада минераллашган бўлиб, сув танқислиги шароитида улардан қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишда бир-қанча муаммолар юзага келади. Бу сувларнинг минерализациясини пасайтирмасдан туриб, суғорма дехкончиликда фойдаланиш тупроқнинг шўрланишини ошириб, натижада ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, ҳосилдорлик 30-80 % гача камайишига олиб келади. Бухоро вилоятида ишлатиладиган сув ресурсларининг деярли тўлиқ қисми Амударёдан икки, уч ва баъзи худудларга тўрт босқичли кўтариш насослари орқали жуда катта маблағ ҳисобига етказиб берилади. Шунинг учун дарё сувларидан оқилона, самарали фойдаланиш, қўшимча сув манбаларини излаб топиш, Республикамызда тобора ошиб бораётган сув танқислиги шароитида унинг салбий оқибатларини юмшатиш муаммоларини ечишга бағишланган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

**2. Тадқиқотнинг мақсади:** Бухоро вилоятининг шўрланган, механик таркиби ўрта қумок тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан суғориш тартибларини



ишлаб чиқиш, уларнинг сизот сувлари сатҳи, минерализацияси ва тупроқда туз тўпланишига ҳамда ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги таъсирини ўрганишдир.

### **3. Илмий ишнинг вазифалари.**

- тадқиқот олиб бориладиган йилдаги Бухоро вилояти тупроқларнинг шўрланиш даражаси, суғориш ҳамда шўр ювишга олинаётган сув микдори, бир мавсум давомида ғўзани суғоришга сарфланаётган сув сарфи динамикаси ўрганилади;

- Бухоро вилоятининг шўрланган, механик таркиби ўрта кумок тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан суғориш тартиблари ишлаб чиқилади;

- томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан ғўзани суғориш тартибларини тупроқнинг мелиоратив режимига таъсири ўрганилади;

- томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан ғўзани суғориш тартибларини ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахтанинг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилади.

- томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан ғўзани суғоришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

**4. Тадқиқот объекти** бўлиб, Бухоро вилоятининг шўрланган, ўрта механик таркибли тупроқлари, ғўзанинг “Бухоро-102” нави, ғўзани томчилатиб суғориш технологияси, зовур сувлари ва ғўзанинг суғориш тартиби ҳисобланади.

**5. Тадқиқот предмети** бўлиб, ғўзанинг Бухоро-102 навини томчилатиб суғориш технологиясида кучсиз минерализациялашган зовур сувлари билан суғориш тартибларини сизот сувлари сатҳи, минерализацияси ва тупроқда туз тўпланишига ҳамда ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги таъсири ҳисобланади.

**6. Тадқиқот усуллари:** Тадқиқотларни ўтказишда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқни сув-физик, агрохимёвий хоссалари ҳамда уни таркибидаги тузлар микдорини аниқлаш «Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах», ғўзани суғориш тартиби ПСУЕАИТИ ҳамда ФАО (CropWat 8.0 дастури) услубиётларишунингдек, олинган маълумотларни математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов услубида бажарилади.

**7. Тадқиқот ишидан олинadиган натижалари ва унинг амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, шўрланган механик таркиби ўрта кумок тупроқлари шароитида сув танқислигининг ғўза етиштиришдаги салбий оқибатларини юмшатишда кучсиз минераллашган зовур сувларидан томчилатиб суғориш усулида фойдаланиш технологияси ва суғориш тартиби ишлаб чиқилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзани кучсиз минераллашган зовур сувларидан томчилатиб суғориш усулида фойдаланиш технологияси ва суғориш тартиби сув танқислиги шароитида қўшимча сув манбаси сифатида зовур сувларидан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши, зовур сув ресурсларини эгатлаб суғоришга нисбатан 40-45 % га тежалиши, минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларнинг 20-40 % гача иқтисод қилиниши ҳамда ғўзанинг ҳосилдорлигини 20 % гача ошиши билан изоҳланади.

**8. Техник иқтисодий самарадорлик ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши:**

Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, шўрланган механик таркиби ўрта кумок тупроқлари шароитида сув танқислигининг ғўза етиштиришдаги салбий оқибатларини юмшатишда кучсиз минераллашган зовур сувларидан томчилатиб суғориш усулида фойдаланиш технологияси ва суғориш тартиби дарё сувларини 100% га, кучсиз минераллашган зовур сув ресурсларини эгатлаб суғоришга нисбатан 40-45 % га тежаш,

минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларнинг 20-40 % гача иқтисод қилиниши ҳамда ғўзанинг ҳосилдорлигини 20 % гача ошириш имконини беради. Ғўзани етиштиришда кучсиз минераллашган зовур сувларидан томчилатиб суғориш усулида фойдаланиш технологияси ва суғориш тартиби бўйича фермер хўжаликлари ва агрокластерларга тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинади.

Илмий-тадқиқот натижалари асосида Республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда ва ЎзР ОАК рўйхатига киритилган илмий журналларда шунингдек, Scopus базасига киритилган илмий журналларда илмий иш натижалари нашр этилади.

Вилоятлараро  
коллектори тизимидан фойдаланиш  
бошқармаси  
бошлиғи  
Ф.Ф. Давронов



“Ўнқирғок”

Илмий-тадқиқотлар, инновациялар  
ва илмий-педагог кадрлар  
тайёрлаш бўлими бошлиғи,  
PhD. доц. У. Қўзиёв

Масъул бажарувчи  А. Шеров.

Илмий раҳбар  М. Хамидов



2/2022-сонли шартномага

“Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида ғўзани томчилатиб суғориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусида тадқиқот ишини бажариш бўйича

## ТАҚВИМИЙ РЕЖА

Босқич рақами	Босқичлар номи	Босқичлар қиймати, минг сўм	Бажарилиш муддати		Бажарувчиларисми, шарифи, отасинингисми, лавозимива илмий даражаси
			бошланиши	тугаши	
1	2	3	4	5	6
1.	Буюртмачи билан хўжалик шартномаларини расмийлаштириш. Бухоро вилоятининг табиий шароитини тахлили натижасида юкори репрезентативликка эга дала тажрибаси ер майдони худуддини танлаш.	-	20.06.2022.	25.06.2022.	Шеров А. т.ф.д., проф. Хамидов М. к/х.ф.д., проф. Жўраев У. к/х.ф.д., проф. Жўраев А. к/х.ф.н., доц. Хамидова Ш. ассистент Атамуродов Б. ассистент
2.	Танланган худудининг тупроқ мелиоратив шароитини тахлил этиш, тажрибани жойлаштириш, тупроқ ва сув тахлиллари ҳамда ғўзанинги ўсиб ривожланиши, томчилатиб суғориш бўйича қузатувлар олиб бориш. Оралик ҳисоботни ёзиш	10000,0	20.06.2022.	30.06.2022.	Шеров А. т.ф.д., проф. Хамидов М. к/х.ф.д., проф. Жўраев У. к/х.ф.д., проф. Жўраев А. к/х.ф.н., доц. Хамидова Ш. ассистент Атамуродов Б. ассистент
3.	Бухоро вилоятининг шўрланган ва шўрланишга мойил, турли механик таркибли тупроқлар шароитида ғўзани томчилатиб суғориш бўйича дала тажрибаларини олиб бориш.	55000,0	01.07.2022.	30.09.2022.	Шеров А. т.ф.д., проф. Хамидов М. к/х.ф.д., проф. Жўраев У. к/х.ф.д., проф. Жўраев А. к/х.ф.н., доц. Хамидова Ш. ассистент Атамуродов Б. ассистент
4.	Бухоро вилоятининг шўрланган ва шўрланишга мойил, турли механик таркибли тупроқлар шароитида ғўзани томчилатиб суғориш бўйича дала тажрибаларини олиб бориш, йиллик ҳисоботни ёзиш.	14000,0	01.10.2022.	20.12.2022.	Шеров А. т.ф.д., проф. Хамидов М. к/х.ф.д., проф. Жўраев У. к/х.ф.д., проф. Жўраев А. к/х.ф.н., доц. Хамидова Ш. ассистент Атамуродов Б. ассистент
	<b>ЖАМИ</b>	<b>79 000,0</b>			

Вилоятлараро “Ўнқирғоқ” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ф.Ф. Давронов

Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи У.Қўзиев PhD. доц. У.Қўзиев

Масъул бажарувчи: А.Шеров.

Илмий раҳбар: М. Хамидов





«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ИПХММИ» МТУ ректори  
Б.С.Мирзаев  
«20» 06 2022 йил

«КЕЛИШИЛДИ»  
Мавзу раҳбари  
А.Шеров  
«20» 06 2022 йил

-сонли «Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида гўзани томчилатиб сугориш технологияси орқали кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш бўйича маблағларнинг 2022 йил учун харажатлар сметаси.

Мавзу раҳбари: т.ф.д., проф. А.Шеров

Ишнинг бошланиши ва тугаши: «20» июн 2022 йил - «20» декабр 2022 йил.

Харажат моддаларининг номи	Сатр	Йиллик жамиятларнинг сўми	Чораклар бўйича, млн. сўм			
			I	II	III	IV
A	1	2	3	4	5	6
Иш ҳақи	1	47 411		7 143	33 482	6 786
Иш берувчиларнинг ажратмалари	2	5 689		857	4 018	814
Хизмат сафарлар харажатлари	3	4 000		1 000	3 000	
Коммунал хизматлар харажатлари	4					
электроэнергия учун тўлов	04 1					
табиий газ учун тўлов	04 2					
иссиқ сув ва иссиқлик энергия учун тўлов	04 3					
сув ва оқова учун тўлов	04 4					
ахлатларнинг йиғиштириш ва олиб чиқиш қиёметининг измати учун тўлов	04 5					
Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари	5					
Жорий таъмирлаш харажатлари	6					
Сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари	7					
бензин ва бошқа ёнилги - мойлаш материаллари харажатлари	07 1					
объектларнинг ўриқлаш хизмати учун тўлов харажатлари	07 2					
сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари	07 3					
Бошқа жорий харажатлар	8	3 000			3 000	
илмий - техник ахборотлар олиш, сертификатлаш ва оқшатиш харажатлари	08 1	2 000			2 000	
кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечаклар олиш учун харажатлар	08 2					
канцелярия маҳсулотларини олиш учун харажатлар	08 3	1 000			1 000	
бошқа жорий харажатлар	08 4					
Бошқа корхона ва ташиқлотлар томонидан бажаришга иштирокчилик харажатидаги ишлар учун харажатлар	9	4 000			2 000	2 000
Жихозлар, техникалар, ускуналар ва бошқа капитал активларни олиш учун харажатлар	10	7 000			4 000	3 000
Устама харажатлар	11	7 900		1 000	5 500	1 400
Жамми:		79 000		10 000	55 000	14 000

ИТИ ва ИПКТ бўлими бошлиғи:

Ётақчи иқтисодчи:

У.Кузиев

А.Хабидулина